



ТОШКЕНТ ОҚШОМ

ШАҲАР
ИЖТИМОИЙ-
СИЁСИЙ
САБТАСИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган ◆ № 114 (9.764) 2002 йил 27 сентябрь, жума ◆ Сотувда эркин нархда

XXI аср саҳоси
Барча маъблардан
олинган сўнги хабарлар

Мамлакатимизда

- Ўзбекистон Республикаси Миллий матбуот марказида «Оммавий ахборот воситалари ва сиёсат» мавзусида давра суҳбати ўтказилди.
- Худудларда хорижий инвестиция иштирокида корхоналар ташкил этишни мувофиқлаштириш бўйича идоралараро ишчи гуруҳининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.
- Андижон вилоятининг яна тўрт тумани — Жалақудук, Шахрихон, Андижон ва Балиқчи туманларининг пахта қорқорлари давлатга пахта топшириш бўйича шартнома режасини бажарди.
- Республика «Маънавият ва маърифат» марказида маънавий-маърифий соҳа ходимлари учун ташкил этилган ўқувнинг навбатдаги битирувчиларига «Маънавият тарихотичиси» сертификати топширилди.
- Пойтахтдаги «Интерконтинентал» меҳмонхонасида «Европада Хаёфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотининг инсонийлик мезонлари бўйича ҳужжатлари» тўпламининг ўзбек тилидаги наشري тасдиқланиб бўлиб ўтди.
- Маданият ишлари вазирлиги тизимидаги кутубхоналар ўртасида Қари-яларни кадрлаш йиллига бағишланган «Энг яхши тадбир сценарийси» танлови давом этяпти.
- Бугун — Халқро туризм куни.
- Тошкентда Ўзбекистон судьялари уюшмасининг иккинчи съезди бўлиб ўтди.
- Бугунги кунда миллий ва умум-башарий қадриятлари тарангун этувчи бадий баркамол саҳна асарларини яратиш замон талабига айланган. Ўзбекистон Театр ижодкорлари уюшмасининг навбатдаги йиғилишида ана шу ҳақда сўз юритилди.
- Шу йил 29 сентябрдан 14 октябрга қадар Жанубий Кореянинг Пусан шаҳрида XIV Осие ўйинлари ўтказилди. Унда мамлакатимиздан 160 нафардан зиёд спортчи 23 спорт тури бўйича мусобақаларда иштирок этди. Пойтахт аэропортида Осие ўйинларига йўл олган Ўзбекистон спорт делегациясини кузатиш маросими бўлиб ўтди.

МАҚСАД ВА ИНТИЛИШЛАРИМИЗ МУШТАРАК

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 23-25 сентябрь кунлари расмий ташриф билан Литва Республикасида бўлди.

Литвада табиатнинг эксонлари кўп. Мамлакатнинг баланд тоғлари йўқ, қуюқ ўрмонлар ҳам кам. Яшил майса билан қўмилган ясси текисликлар, мовий кўллари сокин дарёлар, дарактзорлар Литвага кўрк бахш этади.

Мамлакат пойтахти — Вильнюс. Нарис ва Вилня дарёлари тушган жойдаги бу қадим шаҳар (у 1323 йилда барпо этилган) Рим, Византия, Европа ва Осие маданиятларини туташтирувчи шимоллий нукта бўлган. Вильнюснинг тарихига қизиққан одам шаҳардаги обидаларни кўздан кеңирса қияф. Черковлар, ибодатхоналар, миноралар, ҳарбий истеҳкомлар, жинқучалар, ўрта асрларга хос ташқи оламдан аширин ҳовлилар, бошқа иншоотларда Европа цивилизацияси тарихида учрайдиган қурилиш, маданият, илми ҳарб аъёналарининг кўп қисми намоян. Европанинг кўп аъёналари шу ерда муҳасам бўлиб, бир-бирини тўдириб турибди. Вильнюснинг «эски шаҳари» минтақада энг катта ҳисобланиб, ЮНЕСКО томонидан жаҳон маданий мероси дурдоналари рўйхатига киритилган.

Президент Ислам Каримовнинг ушбу гўзал дийрга қадами кўтлуг келгани самолёт Вильнюс аэропортига қўнгандаёқ маълум бўлди. Литвалик ҳамкасбларимизнинг айтишича, 23 сентябрга қадар уч кун тинимсиз ёмғир ёққан. Шу кун эса эрталабдан қуёш чарақлабди (одатда анчайин сеҳбин кечадиган бу мавсумда ташриф давомида қуёш чарақлаб турди).

Ўзбекистон-Литва муносабатлари музокараларининг бош мавзуси бўлди, албатта. Президентимиз таъбири билан айтганда, давлатлараро муносабатлар асосида, аввало, иқтисодий ҳамкорлик ётади. Бошқа соҳалар, хусусан, сиёсий жабҳадаги ҳамкорликни истисно қилмаган ҳолда, таъкидлаш жоизки, манфаат, фойда бўлмас, ҳақиқатан ҳам, алоқадан, борди-қелдидан наф йўқ. Демак, дастлабки мавзу иқтисодий муносабатлар ҳақида.

Утган йили Ўзбекистон билан Литва ўртасидаги савдо-сотик ҳажми 1994 йилдагига нисбатан уч баробар кўп бўлди. Лекин мамлакатимиз раҳбари Ислам Каримовнинг Президент Валдас Адамкус билан учрашувидан ҳам, Бош вазир Алгирдас Бразаускас билан музокара-сида ҳам ҳозирги кўрсаткичга қониқарсизлик билдирилди. Негаки, ҳар қанча катта бўлмасин, ҳозирги рақамлар, ўсиш суръати салоҳия-ти имкониятларимиз даражасида эмас.

Ислам Каримов ташрифдан қўланган мақсад ҳамкорликка янги сурбат ва шиддат бахш этиш эканлигини таъкидлади ва муносабат-лар ривожига тўсиқ бўлаётган омиллар, янги ва яхши имкониятлар ҳақида сўзлади. Мамлакатимиз раҳбарининг сўзларига кўра, озиқ-овқат, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, қимё, тўқимачилик ва электротехника sanoati, шунингдек, қурилиш матери-аллари, мебель, ҳалқ истеъмолчи моллари, дори-дармон ишлаб чиқари-шда янги-янги лойиҳаларни ишга солиш, икки томон учун ҳам манфаатли дастурларни амалга ошириш мумкин.

Сармоя соҳасига келсак, Ўзбекистон ўзининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, хусусан, пахтани сўнгги паллағача қайта ишлашдан фойдаланади. Демак, Литва тўқимачилик sanoati юксак даражада тараққий этганидан фойдаланмоқ мақсадга мувофиқдир. Бунинг энг оson, содда ва кенг тарқалган йўли — қўшма корхоналар тuzиш. Мисол тариқасида Хиндистондаги вазиетни олайлик. Бу мамлакат-да тўқимачилик sanoati маҳсулотлари экспортдан келадиган дар-рамд яппи миллий экспортдан келадиган даромадининг 35 фоизини ташкил этади. Утган йили у 17 миллиард АҚШ долларига етган. 2010 йилда бу рақами 50 миллиардга етказиш режалаштирилмоқ-да. Ваҳоланки, бизда Хиндистондагидан кўпроқ пахта етиштирилди. Демак, Ўзбекистон ундан ҳам юқориқор марраларни қўзғатиш мумкин. Бунинг учун ишончли шерик, замонавий техника ва технология-лар керак.

Ўзаро муносабатларда энг аҳамиятли бўлган транспорт соҳасига алоҳида тўхталиш жоиз. Яна пахтага келайлик. Илгари Кавказдаги бандаг оҳулардан четга чиқарилган пахта, мустақиллик йилларида Болтиқбўйи орқали хориждаги мижозларга борадиган бўлди. Сабаби оддий — Болтиқбўйида юқ ташқи зиммати Фарбий Европа дара-жасида. Юк оморбда узок қўлиб кетмайди, белгиланган мuddатда, белгиланган манзилга юборилди. Демак, биз учун фойдали. Лекин очик айтиш керак, сўнгги вақтларда Ўзбекистон маҳсулотини Болтиқбўйи бандаг оҳуларига етказиш қийинлашиб қолди. Қишда музла-майдиган Клайпеда бандаг оҳуларидан фойдаланиш Ўзбекистон учун ҳам, Литва учун ҳам муҳим ва фойдали. Аммо, турли сабабларга кўра, бу бордаги кўрсаткичлар сўнгги вақтларда пайсаиб кетди.

Тадбиркорлар билан учрашувда Ислам Каримов Ўзбекистоннинг шакарга йиллик эҳтиёжи 400 минг тонна эканини айтди. Бу мисол тариқасида айтилган гап. Ўзбекистон бу эҳтиёжининг учдан бир қис-мини ўз имкониятлари ҳисобига қўлайди. Қолганини четдан келтири-ш керак. Бунда аъёнаний шериклар қўл келиши турган гап. Ислам Каримов Литва томонини шундай жабҳаларда фойдалик кўрсат-тишга, ўзгаларнинг рақобатидан қўш юмсалмика чакирди.

Вильнюс музокараларида бир неча тақлиф ўртага ташланди. Бош вазир Алгирдас Бразаускас билан учрашувдан кейин Ислам Каримов Литва телевиденсига мухбирга интервью берар экан, ўзаро савдо йўллари очиш мақсадига мувофиқ эканлигини таъкидлади. Бу муассасалар, аввало, коньонктурани ўрганади. Талаб ва тақлиф ҳақида аниқ маълумот бўлса, савдо-сотикни ривожлантириш, қўшма корхоналар сонини ошириш анча енгиллашади.

Ишбилармонлар билан учрашувда литваларнинг Клайпедада шундай муассаса очиш учун имконият мавжудлиги, Ўзбекистон томони-дан билдирилган барча тақлифлар маъқул эканлигини таъкидлади. Умумий келишувга кўра, иқтисодий алоқаларни тартибга солиш, мувофиқлаштириш ва ривожлантириш, тўсиқларни очиш ва муам-моларга очини топшиш учун савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбе-кистон-Литва ҳукуматлараро комитетини тuzишди. Унинг илк маж-лиси яқин орада Тошкентда ўтказилди.

Вильнюс музокараларининг натижаси ўларок бир неча икки томонлама ҳужжатлар қабул қилинди. Президентимиз Ўзбекистон билан Литва ўртасида Давла-лараро муносабатларнинг асо-слар, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартномани имзола-ди. Шунингдек, ташқи ишлар вазирликлари, мудоффа маҳкам-лари, бошхона хизматлари ҳамда миллий университетлар ўрта-сида ҳамкорлик тўғрисидаги ҳужжатлар имзоланди.

Энди бевосита сиёсий соҳага тўхталсак. Ўзбекистон мустақил-



Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Литва Сейми (парламент) раиси Артурас Паулаускас билан мулоқоти ҳам қизгин ва самимий бўлди.

ликка эришган илк пайтдаёқ Болтиқбўйи давлатларининг суверени-тетини тан олганди. Жавоб ҳам шунга яраша бўлган. Айна пайтда Литва (унинг икки қўлиси — Латвия ва Эстония ҳам) Европа Итти-фоқи ва НАТОга қўшилиш арасида турибди. Қўнра дунё ҳамжамии-ти сармоллар ва иқтисодий юқалишининг янги суръатини ваъда қилса, Трансатлантика уюшмаси хавфсизлик таъминотини зимма-сига олади.

Шуни ҳам эслаш керакики, Президент В.Адамкус Литва мустақил-лигининг илк давридаёқ Фарба интилишига қарор қилгани, лекин бу дунёнинг бошқа давлатлари билан алоқа ўратилмайди, дегани эмаслигини таъкидлади. Бошқача айтганда, Литва ва умуман Болтиқбўйи давлатларининг интилиши Фарб билан чекланиб қолмайди ва буни маъқур мамлакатлар яхши идрок этади. Дейлик, террор, экстремизм, айирмачилик, нарқобизнес, қурол-яроғ контрабандаси, уюшган жиноятчилик каби иллатларга қарши курашда Литва учун Ўзбекистон билан ҳамкорлик зарур. Президент Валдас Адамкус илк учрашувдаёқ Ислам Каримовга Ўзбекистон бутун дунё нигоҳи қадалган Марказий Осие минтақасида кечаётган жараёнларда му-ҳим ўрин тутишини таъкидлади. Афғонистондаги тилқини ишлари-да икки мамлакат қувватларининг биргаликда ҳаракат қилиши ҳар томонлама фойдали бўлишини ҳам айтди.

Литванинг ишбилармонлари ҳам Ўзбекистоннинг аксилтеррор опе-рацияси доирасидаги дадил қадамларини таъкидлаб ўтди. Литва Тўқимачилик корхоналари уюшмаси президенти, Санатчилар кон-федерацияси вице-президенти, «Аудекас» тўқимачилик корхонаси бош директори Ислам Каримовга ҳамкорликни кенгайтириш бораси-даги фикр-мулоҳазалари ва тақлифларини баён қилар экан, Ислам Каримов анча йил аввал биринчи бўлиб БМТ миёнбидан бутун дун-ени террорга қарши курашга давлат қилганини кайд этди.

Президентимизга Литва давлатининг энг олий муқофоти — Буюк Витаутас ордени берилди. Бу муқофот Литва халқи ва айна пайтда бутун башарият фаровонлигини ошириш йўлида хизмат қўрсатган арбобларга топширилади. Ислам Каримовнинг Ўзбекистон-Литва муносабатларини ривожлантириш борасидаги жонқурлиги ва халқ-ро террорчиликка қарши курашдаги қатъияти учун берилган муқо-фот бу. Қолаверса, ушбу воқеа Литва томонида Ўзбекистон билан алоқаларни ривожлантиришга интилиш қўли эканлигининг яна бир тасдиғидир.

Президентимиз Вильнюс университетига ташриф буюрди. Бу ерда тарихий кутубхона бор. Унинг бунёд этилиш даври университет тав-сис этилган вақт — XVI аср бориб тақалади. Қадимийлиги баро-бариди бу кутубхона жуда бой. Ислам Каримов қадим ранжиде қил-ган чоғда жавонларда Ибн Синонинг «Тиб қонунлари», Улугбек тақди-қотлари, Алишер Навоийнинг «Сабъи саиёр», Бобурнинг «Бобурно-ма», Қодирининг «Меҳробдан чаён» романи, «Алпомиш» дostonидан бугунги адабиётимизга оид асарларга ҳақ жуда кўп китоб йиғилганини кўрдик. Литванинг энг қадим, энг катта университетида Ойбек, Фа-фур Фулом, Ҳамид Олимжон, Мақсуд Шайхзода, Миртемир, Асқад Мухтор, Улмас Умарбоқов ва бошқа кўп-ла адибларимизнинг асар-ларини Литва тилида мутолаа қилиш мумкин.

Президент Валдас Адамкус Ўзбекистон раҳбарининг ташрифи ўтган даврдаги ишларни сарҳисоб этиб, келажакка янада тيرانчрқ боқиш имконини яратганини таъкидлади. Аввал яқмама-яқка учра-шувда, сўнг кенгайтирилган таркибдаги музокарада, ундан кейин эса миябуот анжуманида шу жўлма кўп янгради. Бу беғиж эмас. Ис-тиқлол қадрига етган, уни мустаҳкамлашга тўну кун ҳаракат қилган халқ бўлса келажакка қўш тўзиши мумкин. Бу жиҳатдан ўқшашлиги-миз кўп ва ҳўб. Демак, интилишларимиз ҳам муштарак. Ислам Каримовнинг Литва Республикасига расмий ташрифи ана шу ҳақиқатни яна бир қарра тасдиқлади.

**Анвар БОБОЕВ,
Ўза махсус мухбири.
Тошкент-Вильнюс-Тошкент.**

Жаҳонда

- Эрон раҳбарияти АҚШ оммавий ахборот воситаларида ушбу мамлакат-да «Ал-Қоид» экстремизм гуруҳининг маъқ лагерлари мавжудлиги ҳақида тарқатилган маълумотлар ҳақиқатга тўғри эмаслигини таъкидлаган.
- АҚШ Шимоллий Кореяга яқин вақт ичида ўзининг юқори лавозимли ваки-лини юборди. Вашингтон Пхеньян билан хавфсизлик бўйича музокаралар-ни қайта бошлашни режалаштирмоқ-да. Бу ҳақда Жорж Буш Ким Чен Ир билан телефон орқали суҳбатда маъл-ум қилган.
- Туркия Бош вазири Бюлент Эже-вит агар Садам Ҳусейн ҳукуматдан четлаштирилса Ироқнинг шимоллий қис-мида Курдлар давлати тузилишига йўл қўйилмаслигини таъкидлаган.
- Федерал тергов бюроси агентла-ри Хитой Давлат нефть компаниясининг ходими Шан Ян Минни ҳибсга олди. У 2002 йил апрелдан бошлаб Америка-нинг Силикон воҳасида жойлашган фирмада амалиётда бўлган эди.
- Грознийдаги Чеченистон миллий кутубхонасида ўғирлик ўш берди. Жи-ноятчилар кутубхона деразаси панжа-расини бузиб, қимматбаҳо ва нодир саналган китоблар неҳсаларини ўғир-лаб кетишган.
- АҚШнинг Небраска штати гар-бида ҳаммаси 600 метрлик телевизион минора кулаб тушди. Ҳодиса рўй бер-гандан иншоот қисмларини мустаҳкам-лаш ишлари билан шуғулланмаётган ишчилардан 2 нафари ҳалок бўлди.

ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИДА

Тошкент шаҳар ҳокими Рустам Шобудураҳмоновнинг қарорига кўра **Анвар Акмалович Аҳмедов** Тошкент шаҳар ҳокимининг жамоат ва диний ташкилотлар билан ало-қалар бўйича ўринбосари лавози-мига тайинланди.

Ҳар йили 1 октябрь — «Ҳақиқат ва мураббийлар куни» умумхалқ байрами сифатида нишонланиши мамлакатимизда ўқитувчи ва мураббийлар, устозларга бўлган юксак эътибор ва ҳамхўрликнинг ёрқин ифодасидир.

Устозлар қутланган

Бу йил ҳам Тошкент шаҳар ҳокимлигида «Ҳақиқат ва мураббийлар куни» умумхалқ байрамини муносиб нишонлаш ва уни ўтказиш муносабати билан амалга ошириладиган тадбирлар режаси ишлаб чиқилди. Унга кўра ушбу байрамни ўтказиш бўйича таъминот ташкили тузилиб, ранг-баранг тадбирлар уюштирилмоқда. Илгор ўқитувчи ва мураббийлар мукофотлар ҳамда совғалар билан тақдирланиб барча туман ва маҳаллаларда байрам тадбирлари тантанали ўтказилмоқда. Шунингдек, барча ҳудудларда байрам тадбирларини юқори савияда ўтказишни таъминлаш учун санъаткорларнинг концерт дастурлари билан чиқишлари, оммавий спорт мусобақалари ташкил этилган.

КЕЧА

Ҳақиқат ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали йиғилиш Ўзбекистон Миллий академик драма театрида бўлиб ўтди. Унга шаҳримиздаги мактаб, бочка ва ўрта махсус мактабларининг илгор ўқитувчилари, таълим фахрийлари таклиф этилди. Йиғилишни Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари Рустам Қурбонов очиб, ёш авлодга меҳр, илм-фан нурини соҳабатини заҳматқаш, мўътабар ўқитувчи ва мураббийларни касб байрами билан чин дилдан қутлади ҳамда халқ таълими соҳасида самарали меҳнат қилиб келаётган илгор ўқитувчи ва мураббийларга Тошкент шаҳар ҳокимининг Фахрий ёрликларини топширди. Яна бир қатор ўқитувчилар «Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими аълоҳиси» кўкрак нишони билан тақдирланди. Шунингдек, бир неча ўқитувчиларга Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазириликнинг Фахрий ёрлиги топширилди. Эл севган санъаткорлар — Ўзбекистон халқ артистлари З.Суюнова, М.Йўлчиева, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Х.Исроилова ва бошқа санъат усталарининг устозларга бағишланган дилрабо куй-қўшиқлари, жозибали рақслар байрам кечасига янада фойз киритди.

Бундан ташқари таълим фахрийлари, нафақадаги нуруний ва ноғиронлар байрам муносабати билан йўқлиниб, уларга совғалар топширилади. Кадрлар таълими Миллий дастури вазириларини амалга оширишда сизидилдан меҳнат қилиб, муваффақиятларга эришадиган илгор ўқитувчи ва мураббийлар шаҳар ва туман ҳокимларининг Фахрий ёрликлари билан мукофотландилар.

(Ўз мухбиримиз)

ЎЗ КАСБИГА МЕҲР ҚЎЙИБ

Халқимизда «Устоз отангдан улуг» деган нақл бор. Дарҳақиқат, ўқитувчи ва мураббийлар юксак эҳтиром, иззат-икромга муносиб мўътабар зотлардир. Ёш авлодга таълим-тарбия беришдек шарафли касбни эъзозлаб келаётган фидойи ўқитувчи ва мураббийлар ораимизда кўплаб учрайди.

Миробод туманида жойлашган Абдулла Авлоний номидаги 328-ўрта мактабда 35 йилдан буён ўз касбига меҳр қўйиб, меҳнат қилиб келаётган Саида опа Маматқуловани мактабда ўқитувчи ўқувчилар ниҳоятда ҳурмат қилишди. Чунки Саида опа энг жонкуяр, тажрибали ўқитувчилардан ҳисобланади. Ёшлигидан ўқитувчилик касбига меҳр қўйган Саида опа шу 328-мактаб (илгариги 40-мактаб)да тахсил олган, чет тиллар педагогика институтига ўқишга кирди. Ўқишни тамомлагач эса ўзи билган олган кадрдон мактабда 1967 йилдан болалар етакчилигиндан фаолият бошлади. Ўз устозлари — Зирот опа, Аъзам ака, Лутфулла ака сингари тажрибали ўқитувчиларга ҳавас қилиб, улардан кўп нарсалар ўрганди. Саида опа касбига бўлган меҳри, тиришқоқлиги ва ўткир эҳтири билан мактаб жамоаси ўртасида обрў-эътибор қозона бошлади. Бора-бора ўқитувчилик фаолиятини бошлаб ўқувчиларга тил, адабиёт ва инглиз тилидан дарс бера бошлади. Кейинчалик ўзининг ташаббускорлиги билан мактабда ташкилотчи, илмий мудири лавозимларида ишлаб, бошқаларга ўрнак бўлди. 1995 йилдан ҳозирги давргача шу мактабга директорлик қилиб ўз касбини ардоқлаб келмоқда.

Саида опанинг оиласини ўқитувчилар сулоласи десак адашмаймиз. Бинобарин, 6 фарзанд ичидан нафақат Саида опа, балки икки сингли Фарид ва Гулнора ҳам ўқитувчилик касбига меҳр қўйишган. Шунингдек Саида опанинг турмуш ўртоғи (марҳум) Алижон ака ҳам 27 йил мактабда ёш авлодга таълим бериб, илмий мудири, директор лавозимларида ишлаб ҳурмат-эътибор топган заҳматқаш инсон эди. Ўқитувчилик касбини улуглаган бу оилادا Саида опа орзу қилгандек икки ўғилларини уйлантиргач, келинла-

ри Нигора ва Нилуфархонлар ҳам худди шу касб — ўқитувчи деган шарафли касб соҳибдари бўлишди.

— Дилда доимо эзгу ниёт билан яшаган инсон ўз орзуларига эришади, — дейди Саида Маматқулова. — Ўқитувчи аввало ўзи ўқувчиларига муомаласида, кийинишида ҳам, юриштиришида ҳам бошқаларга муносабатда ҳам ўрнак бўлиши керак. Шу билан бирга ўқитувчи чуқур билимга эга бўлиши, касбига меҳр қўйиши, ўз соҳасини етарли даражада биладиган ҳозиржавоб инсон бўлиши керак, деб ўйлайман. Раҳбар бўлиш осон эмас албатта. Ўқитувчи мураббийлар гўё билим булогидирлар. Ана шу булоқдан ёшлар ҳам қониб ичишларини тастардим. Мен ёш авлодга таълим-тарбия беришдек шарафли ва муқаддас касбим билан фахрланаман. Юртбошимиз таъкидлаганларидек: «Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт».

Саида опа ҳақиқатан мактабни ўз оиласидек билиб, ўқувчиларга ўз фарзандлари каби меҳр-муҳаббат, жонкуярлик билан қарайди. Айниқса қизлар тарбиясига жиддий эътибор қаратиб келмоқда. Бунга мактаб қошида ташкил қилинган «Нафосат» қизлар клуби фаолиятини яққол сезиш мумкин. Ушбу клубда ўтказиладиган қизиқарли учрашувлар, суҳбатлар албатта қизлар тарбиясига, уларнинг кийиниши, одоб-ахлоқи масалаларига бағишланади.

Жонкуяр ва фидойи мураббий Саида Маматқулованинг меҳнатлари муносиб тақдирланиб «Ўзбекистон халқ таълими аълоҳиси», «Халқ таълими фидойиси» нишонларига сазовор бўлган. Саида опадек заҳматқаш устозлар ораимизда яна ҳам кўپайишни, фарзандларимиз бахти, келажаги учун ҳормай-толмай меҳнат қилишларини истаб қоламиз.

Дилором ИКРОМОВА



Сайилгоҳ шаҳримизнинг қок марказидаги энг гажув, жўшқин, ёшлар тили билан айтганда «аёт қайналган» жой ҳисобланади. Ортиқча таърифа ҳолат ҳам йўқ. Лекин бир марта бўлса ҳам унинг атрофига назар ташлаб кўрганимиз?

Метронинг «Мустиқиллик» бекатидан Сайилгоҳ бўйлаб кунда Истиқлол, Турон, Ота Турк, Матбуотчилар ва бошқа кўчалар бўйича 50-60 мингдан зиёд киши ўтади. Шу манзилдан бошлаб биз ҳам Истиқлол кўчаси томон йўл олдик. Ўзбекистон Езувчилар уюшмаси, унинг атрофидаги бинолар олди ҳудуди тоза бўлсада, ариқларга тўпланган супуриндиларга бир назар ташлаб, Истиқлол кўчасига чиқдик. Сайилгоҳнинг бир чеккасига туташган бу кўчанинг чап томонида каттагина бунга ётган майдон мавжуд. Шу кўчани қадар бу ерлар ўзлаштирилмагани туйғули кўча юзаси сўнғий чиқиндиқонага айланиб қолган. 50-60 метр нарироқда эса 5-6 та махсус контейнерлар бўш ҳолатда турибди. Шу атрофда жойлашган севдо ва хизмат кўрсатиш объектилари ағаларини сўбатга тортидик.

— 20-30 метр наридаги кўшчиларимиз — қаҳвахона эгалари билан сан-манга бориб қоляймиз, — дейди бу ерда жойлашган масъулияти чекланган жамият раҳбари Василина Годунова. — Нега деганда улар махсус жойга чиқиндиларни олиб бориш ўрнига, шу эгасиз жойни афзал қўрадилар. Анча яқин-да. Натижада биз бутун ёз бўйи чивин, пашша қўриб ўтирдик. Маълумки, қаерда сервис, яъни хизмат кўрсатиш даражаси қанчалик юқори бўлса, бу ерга талабгор шўнча кўпайиб боради. Бунга эришиш учун авваллабор озодликка риоя қилиш керак. Лекин кўриб турганингиздек, шундоққина олдимизда аянчи манзара кун сайин

кенгайиб бормоқда, чунки бу жойнинг бирон-бир марта тозаланганини кўрмадик. Ҳаттоки баъзан ёнгиналар ҳам содир бўлган...

— Нега йилдан бери эҳтиёжсиз қолган бу майдон балки Сайилгоҳ тасарруфига киритилса, муаммолар ҳам ўз-ўзидан ечимини топармиди, — ўз фикрини билдириб деди «Голден Осие» қаҳвахонаси раҳбари Рамис Мухамедшин. — Эгаси бўлмаган жойнинг аҳоли шундай харобда. Баъзилар кўзимдан нари бўлса бўлгани деб, ахлатни шу ерга тшлайди. Сир эмас, Сайилгоҳда, бошқа жойда-ми, ҳамма 1-2 сўм топай деб иш бошлайди. Лекин улар орасида «кимгадир зиён заҳматим тега», тоганининг баракаси кетади» деб ўйламайдиганлари оз эмас...

Албатта, бу қуюнчақ тадбиркорларни тушуниш мумкин. Ҳар ойда 100-180 минг сўмлик ижара ҳақи тўлаган ҳолда, тегишли даромад олиш учун шароитларини яхшилашга ҳаракат қилса-ю, бошқа бир тадбиркор кўз олдига яқин атрофга чиқиндисини ташлаб кетса. Бундай ҳолатларнинг олдини олишга раҳбариятнинг муносабати қандай экан?

— Бир ярим ойдан буён «Сайилгоҳ-хизмат» корхонаси раҳбари вазирасини бажариб келяпман, — дейди Баҳром Юсупов. — Бу ердаги шарт-шароитлар билан танишишга ҳаракат қилияпман. Шу кунги қадар ҳар бир овқатланиш объекти иш кунидан сўнг чиқинди идишларини ташқарига қўйиб кетар экан. Туман ободонлаштириш бошқарма-

си билан тузилган шартномага асосан ушбу бошқарма ишчилари эрта тонгда фаррошлик билан бирга қонда бўйича чиқиндиларни шу атрофда фақат бир жойга — Истиқлол кўчаси томонда, айнан бўш майдон бир чеккасига қўйилган контейнерларга ташлаши лозим. Сўнғий чиқиндиқона мавжудлиги назаримиздан четдан қолганини инкор этмайман ва зудлик билан бу масалани ҳал қилиш чорасини кўришга ҳаракат қиламиз.

Ишончимиз комил, мақола чик-

магани сабабли бу жой атрофи аста-секин чиқиндиқонага айланиб қолаётганини нимагадир ҳеч кимни қолдирга солимайти. Вазиятни билиш учун қоровулга мурожаат қилдик.

— Мен бир ўзим эмас, бир кеча-кундузда иккитадан қоровул туради, бу кўпми-камми — иш беришга ҳавола, — деди рейдимиш кунда сменада бўлган Шукур Абдусаломов. — Бу ерга биз «12-трест» орқали келганимиз. Қанчалик оғир бўлмасин, тунги соатларда ҳўшёр бўлишга ҳаракат қиламиз, чунки бу ерда кўриқлашга доир алоҳида объектлар ҳам бор. Ота Турк билан Матбуотчилар кўчаси туташган жойдаги чиқиндиларга келсак, уни узоқдан эмас, шу яқин атрофдагилар ташлайди. Аниқ номларини ҳам айтишим мумкин. Улар касрига бизлар таба бу ерни тозалашга ҳам мажбур бўлгандик, бироқ

Юқорида қайд этилганларга асосланган ҳолда таъкидлаш жоизки, мулкчилик шаклидан қатъий назар объект раҳбарлари ва алоҳида шахслар ўзларига тегишли бўлган объектнинг ва унга туташ бўлган ҳудуднинг санитария-техник ҳолатига шахсан жавобгардирлар.

Шу билан бирга ҳар бир юридик шахс чиқиндиларни олиб кетиш бўйича тегишли ташкилот билан шартнома тузиши шарт, яъни бу ишларга маблағ ажратилиши мумкин. Лекин Сайилгоҳ атрофида жойлашган айрим объектлар эгалари иктисод қилиш мақсадида ўз чиқиндиларини Ота-Турк, Матбуотчилар кўчалари бурчаги томон йўналтириши эп билган — эгасиз жойларнинг афзаллиги шундада — ҳоллаган нарсани қилиш мумкин. Агарда бу атрофда уй-жойлар бўлганда, хонадонларга тўнқашдан осон йўли йўқ эди. Бу ҳудудда «Демир», «Арду» супермаркетлари, номи машҳур фирма, ҳаттоки корпорацияларга қарашли молия ва савдо объектилари жойлашган. Улар ички ва ташқи кўриниши кўзни қонтирадиган даражада бўлсада, шундоққина ён-атрофларидан анча жойгача ноҳус ҳад таралиб турса?

Гўзал шаҳримиз кўрғига кўрк бағишлаш, санитария тозалигини таъминлаш, ободонлаштириш, кўксаламзор қилиш борасида қанчадан-қанча хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Шаҳримиз қанчалик озода, кўркам бўлса бу барчамиз меҳнатимиз эвазигадир. Қолаверса, уйимизда меҳмон кутсақ, албатта биринчи гада ҳовли, кўчани супуриб янада озода бўлишига ҳаракат қиламиз. Шундай экан ёнгинамиздаги ноҳус ҳолатни кўра била туриб лоқайд бўлишлик бизга асло ярашмайди.

Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА

АЧЧИҚ, АММО ОЧИҚ ГАП

Эгасиз жой «ўгай»ми?

ёхуд Сайилгоҳ атрофига бир назар

«Тошкент оқшоми» — «Вечерний Ташкент» газеталари, «Тошкент» телеканалли, Тошкент шаҳар ҳокимлиги назорат бўлими ва Давлат санитария-эпидемиология назоратининг кўшма рейди

кўнга қадар корхона раҳбари албатта чора кўради ва ушбу объектни назоратга олади, аммо бошқа бир манзилдаги қоронғисиз қолган объект бўйича ким жонқуярлик қилар экан? Аниқроқ қилиб айтганда, гап Матбуотчилар кўчасидаги қурилиши ҳали тугалланмаган қатор иншоотлар ҳақида.

Шаҳар қурилиш режасига асосан 1997 йилда бу ерда йирик савдо марказини бунёд этиш бўйича иш бошлагани эди. Орадан беш йил ўтган бўлсада замонавий услубда қад ростлаган бу иншоотда ҳозирда айрим сабабларга кўра ишлар тўхтатилган. Аммо чеккалари ўрал-

ахвол ўша-ўша...

Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази маълумоти-га кўра, Ўзбекистон Республикаси «Давлат санитария назорати тўғрисида»ги Қонуннинг 7 ва 10-моддаларида «Давлат идоралари, мулкчиликнинг шаклларида қатъий назар корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва алоҳида шахслар майдонлар, иншоотлар, ишлаб чиқариш бинолари ва санитария-маиший бинолар ҳамда иш жойларида, белгиланган тартибда тасдиқланган санитария нормалари, қондалари ва гигиена нормативларига риоя этилиши шарт» деб белгилаб қўйилган.



Душанба

30

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.45 «Тадлинома»
8.45 ТВ маркет.
8.50 «Ўзбектеlevision» намоиши: «Кўз лавалари»
9.05 «Камалак» Болалар унв кинодастур.
9.40 «Туркия қирмиғи»
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар
10.05 «Кисил вақанлар» Бадий фильм.
11.30 Ўзбекистон телерадиокомпанияси камер оркестрининг концерти.
11.55 ТВ анонс.
12.05 Тенис бўйича «Челленжер» халқаро турнири
12.50 «Саринга» шулу ва ракс ансамблининг концерти. 1-қисм.
13.20 «Ошан» Телесериял.
13.50 Мусий тайффус.
14.10 «Тибий олимлар»
14.25 «Олтин дала» Пахтакорлар унв дам олиш дастури.
15.00 «Ит уиси» Телесериял премьераси.
15.45 «Район дуниси»
«Болалар сайраси»:
16.00 1-«Олтин тоқ» Телевизион уйин. 2-«Эрталар «Жахлика етаклар»
17.10 «Таян нуқтаси»
17.20 Тенис бўйича «Челленжер» халқаро турнири
18.10 «Мулк»
18.25 «Дарга» Академик Х. Абдуллаев.
18.45 «Бахти юкча» Теледотерек.

19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар
19.30 «Алборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эрталари.
20.15 Берка ва банк хабарлари.
20.30 «Алборот».
21.05 «Устога таълим» Уйгувчилар ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали йилгилик ва концерт.
21.45 «Калажакка интилиб» Хужжатли фильм.
22.15 2002 йил - Қариларни қадрлаш йили. «Парси бор уй»
«Спорт» дастури:
22.35 1. «Спорт, спорт, спорт»
2. Карата бўйича Ўзбекистон кубоги.
23.15 «Алборот-дайжест».
23.35-23.40 Ватан тилсоллари.

8-65 Кўрсатувлар дастури.
9.00 Давр тонги.
10.00 «Янги авлод» студияси: болалар унв концерт.
10.20 «Мультишоша»
10.35 Фароқим-жогранчилик.
10.50 Мусий лавалар.
11.00 «Давр» хайфа ичида.
11.30 «Доктор Филли» Телесериял.
12.20 Давр-новс.
12.35 «Эртала» Бадий фильм.
14.05 Кўна оханлар.
14.20 «Оби хайт» Экологик тележурнал.
14.35 «Кўз» Телевизион премьераси.
14.45 Кўна оханларнинг суести саргузаштлари Телесериял.
15.35 ТВ-анонс.
15.45 Спорт хабарномаси.
16.00 «Оқд зава-обди йил»-қурж-тановис: Сурхондарё телерадиотелерадиокомпанияси тақдим этади.

16.30 Кўрсатувлар дастури.
16.35 «Янги авлод» постиси, «Биринчи йилгувчи».
17.10 «Фантаграмм». Мультифильм.
17.40 Ёшлар овози.
18.00 Белкида белбоги борлар. Ўзбек кураши бўйича IV жаҳон чемпионати.
18.25 Таффакур ўқилари.
18.40 Оқшом навалари.
18.55, 21.55 Икким.
19.00 Давр.
19.35 ТВ-анонс.
19.40 «Меная университетим». Видеофильм. 1-қисм.
20.00 Кўна оханлар.
20.05 «Меная университетим». Видеофильм. 2-қисм.
20.35 Муҳаббат қизилари.
20.50, 21.25, 22.35 Эълонлар.
20.55 «Эмerald» Телесериял.
21.30 Қишлоқдаги тенгдошим.
21.50 Олтин мерос.
22.00 Давр.
22.40 «Муҳаббат қавазон». Телесериял.
23.05 «Ёшлар» телеканалда спорт: Интерфутбол. Танэффус пайтида.
23.50 «Давр». Алборот дастури.
00.55-1.00 Хайрли тун!

17.15 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТВда сериал: «Кўна дама сири». 6-қисм.
17.45, 19.10, 21.50 «Экспресс» телегазетаси.
18.05 «Боланжлар экрани». «Шарки ва Жорж». 43-қисм.
18.30, 20.00, 21.10, 22.05 «Пайтат» Алборот дастури.
18.40 «Жақ саломатлиги йиллари»
19.30 «Спорт ва болалар»
19.45 «Оби хайт» Телефильм.
19.55 Мусий таффакур.

20.30 ТТВда сериал: «Азизим Изабелла».
21.30 «Авто-новс».
22.35 Киноингох. «Вельд».
00.05-00.10 «Хайрли тун, шаҳрим!»
16.00 Кўрсатувлар тартиби.
16.05 «Вести».
16.20 «Юга бир» телеуйини.
17.00 «Евронос» анжликлари.
17.15 «Хазил кетидан хазил». Хажний курашув.
17.45 «Араша».
18.00 «Меня купити».
19.00 «Ким миллионер бўлишни истайди?» Телеуйини.
20.00 «Время».
20.30 «Камениская» Сериал.
21.20 «Хид оханлари».
21.35 «Муҳаббат даври». Сериал.
21.35 «В. Мелодрама историкдаги концерт дастури».
23.35 Киножурнал: «Хайт пардоб». Бадий фильм.
00.55 «Алборот» (рус тилида)
1.30 «Тунигиз осуда бўлиси!»

16.55 гаца профилактика ишлари.
16.55 Дастурлар очилиши.
17.00 Шоу соли.
17.40 «Тележамор».
18.00 «Куржон» Сериал.
18.55 «Ошиқона». Мусий дастур.
19.10 «30-канал» киношоими.
«9 ярд» Комедия.
21.05 «Клел-сова» Телеабри.
21.20 «Хайрли тун, кинонойлар!»
21.30 «30-канал» киношоими.
«Боинни кўлга олиш».
23.15 «30-каналда спорт».

14.00 Новости (с субтитрами)
14.15 Комедия «Дети шизома»
16.00 «Большая стирка»
17.00 Вечерние новости (с субтитрами)
17.15 «Шутка за шуткой»
17.45 «Ералаш»
18.00 Жди меня
19.00 «Кто хочет стать миллионером?» Телеигра
20.00 Время
20.30 Детектив «Дронго»
21.35 Фильм «Время любить»
22.30 «Другое время»
23.10 «На футбол»
23.40 Сериал «Китайский городовой»

3.45 - 6.45 «Доброе утро, Россия!»
6.45 Фильм «Дом, в котором я живу».
8.50 ВЕСТИ ДЕЖУРНАЯ ЧАСТЬ.
9.00, 12.00, 15.00, 18.00, 21.20 ВЕСТИ.
9.20 «Сказки о любви».
10.20 «В Городе».
10.25 ВЕСТИ НЕДЕЛИ.
11.30, 16.20, 18.35 ВЕСТИ - МОСКВА. НЕДЕЛЯ В ГОРОДЕ.
12.20 ВЕСТИ-СПОРТ.
12.25 «Что хочет женщина»
13.25 «Стань звездой»
14.20 «Простые истины». Телесериял.
15.20 «Москва-река». Документальный фильм.
16.50 Сериал «Ворюка. Счастые наркотики».
17.50 Спокойной ночи, малыши!
18.55 Сериал «Бригада».
20.05 Сериал «Закон».
21.35 «Юрий Любимов». Документальный фильм

22.30 «Снегмания».
23.00 «Дорожный патруль».
5.00, 5.30, 6.00, 6.30, 7.00, 7.30 «Сегодня»
5.05 - 7.40 УТРО на НТВ
8.00 «РАСТИТЕЛЬНАЯ ЖИЗНЬ»
8.35 «ВЫ БУДЕТЕ СМЕТЬСЯ!»
9.00 «СЕГОДНЯ УТРОМ»
9.20 Погода на завтра
9.25 «НАМЕДНИ»
11.00, 13.00, 14.00, 15.00, 16.00, 17.00, 18.00 «СЕГОДНЯ»
11.05 Мелодрама «ПРИНЦЕССА НА БОБАХ»
13.05 «ЖЕНСКИЙ ВЗГЛЯД»
13.35 Детектив «ОНА НАПИСАЛА УБИЙСТВО»
14.40 «ПРИНЦИП ДОМИНО»
16.05 Сериал «НЕИЗВЕСТНАЯ ПЛАНЕТА»
16.50 Боевик «ВЗРЫВАТЕЛЬ»
18.30 «ЯГО, ТЕМНАЯ СТРАСТЬ» Теленовелла.
14.50 Черный ящик
15.20, 20.55 «КАМЕНСКАЯ» Телесериял.
19.50 «Семейные страсти». Ток-шоу.
22.05 «Фурама». Мулт. сериал.
23.00 Фильм «БЫСТРЕЕ ЗВУКА»
1.35 Футбольный курьер.
2.10 «Нокаут». Новости бокса.

7.30 Религиозная передача.
8.00 Мультисериялы
9.00 Х/ф. «ГРАФИНА ШЕРЕМЕТЕВА».
11.00 Х/ф. «ПРОЩАЙ, ТОЛЕДО!»
13.00 Телесериял «МЭДИСОН».
13.30 Телесериял «АМАЗОНКА».
14.30 Х/ф. «ПРАВИЛА БОЯ»
17.00 Х/ф. «СПОСОБ УБИЙСТВА»
18.30 Телесериял «МЭДИСОН».
19.00 Телесериял «АМАЗОНКА».
20.00 Х/ф. «ПЕРЕКРЕСТКИ МИРОВО».

22.00 Х/ф. «ЧАСОВОЙ МЕХАНИЗМ».
24.00 Если хочешь быть здоров.
00.30 Х/ф. «СЕЛЕСТИНА».

8.00, 18.05 «Икс-мен». Мультисериял.
8.30, 17.35 «ПАУЭР РЕЙНДЖЕРС, ИЛИ МОГУЧИЕ РЕЙНДЖЕРЫ»
9.00, 17.05 «Жизнь с Луи». Мультисериял.
9.30, 16.35 «Человек-паук». Мультисериял.
10.00 Мир спорта глазами «Жиплетт».
10.30, 14.30, 18.30, 22.30 «24». Информационная программа.
10.50 Боевик «ВЗРЫВАТЕЛЬ»
13.30 «ЯГО, ТЕМНАЯ СТРАСТЬ» Теленовелла.
14.50 Черный ящик
15.20, 20.55 «КАМЕНСКАЯ» Телесериял.
19.50 «Семейные страсти». Ток-шоу.
22.05 «Фурама». Мулт. сериал.
23.00 Фильм «БЫСТРЕЕ ЗВУКА»
1.35 Футбольный курьер.
2.10 «Нокаут». Новости бокса.

10.15 Документальный фильм «Великие египтяне. Настоящая Клеопатра».
11.10 Сериал «ПЕРВАЯ ВОЛНА»
13.30, 2.35 Сериал «ЛУС-МАРИЯ».
14.45, 3.25 «0, Счастливейчик!»
15.30, 19.30, 0.45 «Ошан»
16.25 Фильм «БЕССТРАШНЫЙ».
18.30 Сериал «ВЕСЕЛАЯ СЕМЕЙКА ТВИСТ».
19.00 «Всегда готовы!»
20.30, 1.35 Сегодняшние.
21.30 Фильм «ГРЕГУАР МУЛЕН ПРОТИВ ЧЕЛОВЕЧЕСТВА».
23.45 «Музыка на ТНТ».
24.00 «Империя страсти».

7.00 Канал «Настроение».
10.05 «ЗАГОЛОЧНАЯ ЖЕНЩИНА». Телесериял
11.00 «МИР ДИКОЙ ПРИРОДЫ». Телесериял
11.30 Мультифильм.
11.40, 1.30 Петровка, 38.
12.00, 15.00, 19.00, 23.00, 1.10 События.
12.15 Телемагазин.
12.30 Телеканал «Датал».
13.25 «Постскриптум»
14.30 Деловая Москва.
15.15 «ИНСПЕКТОР ДЕРРИК».
16.20 Войди в свой дом.
16.30 Деловой портрет.
17.00 Регионы: прямая речь.
17.30 «Чемпионат мира по велоспорту на треке. Передача из Дании».
18.15 Материал.
19.15 Моля поп-арт.
20.00 «МОЯ ДОРОГАЯ ИЗАБЕЛЬ». Телесериял
20.40 Будте здоровы!
20.50 Пять минут деловой Москвы.
21.10 Фильм «ГОД ТЕЛЕНКА»
23.45 Времена.
00.15 Телесериял «ДЕЛО ФЕРШО»
1.50 Мир вокруг нас.

Сешанба

1

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 - 8.35 «Алборот».
8.35, 17.55 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шорти
9.00 «Ўзбектеlevision» намоиши: «Умидий олимлар». Премьера.
9.30 «Соғлом она - соғлом бола»
9.50 ТВ клип.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар
10.05 «Мулк»
10.20 «Қандай ажиб бу дунё» Бадий фильм.
12.05 Тенис бўйича «Челленжер» халқаро турнири.
12.50 «Меня купити - устозлар» Адибий композиция.
13.10 «Саринга» шулу ва ракс ансамблининг концерти. 2-қисм.
13.40 «Парси бор уй»
14.10 «Спорт, спорт, спорт».
14.20 «Устога таълим». Уйгувчилар ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали йилгилик ва концерт.
15.00 «Ит уиси». Телесериял.
15.45 «Уй бақиси».
16.05 Телевизион миниатюралар театри.
16.30 ТВ анонс.
16.35 «Бун умир дарлар».
16.55 «Ватанга хизмат қилмаган»
18.10 Болалар унв. «Самъат гуналарини»
18.30 «Тарсилот»
18.50 Бир жуфт қижик.
19.05 «Уйгувчи»
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар
19.30 «Алборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эрталари.
20.15 FCN «Ўзбекистон анжликлари» (инглиз тилида)
20.30 ТТВда сериал: «Азизим Изабелла».
21.30 «Турани хоним».
22.45 Киноингох. «Қабугар эвентлари».
00.20-00.25 «Хайрли тун, шаҳрим!»

21.05 «Калбингада сўмасини эди». Уйгувчилар ва мураббийлар кунига бағишланган бадий-мусий дастур.
21.45 «Ўзбекистон» қанализ ижмерлоба: «Ошан» Телевизион премьераси.
22.15 Карата бўйича Ўзбекистон кубоги.
22.45 «Алборот-дайжест».
23.15 «Алшар Навоий». Бадий фильм.
00.50-00.55 Ватан тилсоллари.

7.55 Кўрсатувлар дастури.
8.00 Давр тонги.
9.00 «Янги авлод» постиси-«Биринчи йилгувчи».
9.35 Давр.
9.50 Мусий лавалар.
10.00 «Эмerald» Телесериял.
10.30 «Меная университетим». Видеофильм. 1-қисм.
10.50 Мусий лавалар.
11.00 «Меная университетим». Видеофильм. 2-қисм.
11.30 Ёшлар овози.
11.30 Ёшлар овози.
11.30 Ёшлар овози.
12.10 «Байрамикга муборак, азия устозлар!» Мусий дастур.
12.30 «Усто». Видеофильм.
12.50 Интерфутбол.
14.30 «Кизижа табиб». Бадий фильм.
15.50 Кўрсатувлар дастури.
15.55 «Янги авлод» студияси: «Оқ қабулар». «Хар соғата савади».
16.25 «Мультишоша»
16.40 «Мураббий». Видеофильм. 1-қисм.
17.05 ТВ-анонс.
17.10 «Мураббий». Видеофильм. 2-қисм.
17.35 Аетоплар.
17.55 Ёшлар овози.
18.15 Илгиз ва шпорк.
18.45 Оқшом навалари.
18.55, 21.55 Икким.
19.00 Давр.

19.35 Те-анонс.
19.40 Давр-интервью.
19.55 «Табаркур макан». Видеофильм.
20.15 Кўна оханлар.
20.20 Санфалар.
20.50, 21.25, 22.35 Эълонлар.
20.55 «Эмerald» Телесериял.
21.30 «Байрамикга муборак, азия устозлар!» Мусий дастур.
22.00 Давр.
22.40 «Муҳаббат қавазон». Телесериял.
23.05 «Ёшлар» телеканалда спорт: «Нокаут».
23.30 Давр.
23.45 «Хажнат чегараси». Сериал.
00.10-00.15 Хайрли тун!

17.15 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТВда сериал: «Кўна дама охири». 7-қисм.
17.45, 19.05, 22.00 «Экспресс» телегазетаси.
18.05 «Боланжлар экрани». «Шарки ва Жорж». 44-қисм.
18.30, 20.00, 21.10, 22.20 «Пайтат» Алборот дастури.
18.50 «Клел-сова».
19.25 «Ал-она. Мураббий, расбар» телеуйини.
19.45 «Моир».
20.30 ТТВда сериал: «Азизим Изабелла».
21.30 «Турани хоним».
22.45 Киноингох. «Қабугар эвентлари».
00.20-00.25 «Хайрли тун, шаҳрим!»

19.00 «Зиф буйин». Телеуйини.
20.00 «Время».
20.35 «Камениская» Сериал.
21.25 «Кун мазуси».
21.40 «Муҳаббат даври». Сериал.
22.35 FCN «Ўзбекистон анжликлари» (инглиз тилида)
22.45 «Аншар».
23.30 Киножурнал: «Оддий курашув». Бадий фильм.
1.00 Алборот (рус тилида)
1.35 «Тунигиз осуда бўлиси!»

9.05 Дастурлар очилиши.
9.05, 17.40, 20.30 — «Тележамор».
9.45 «Бағлод ўриси». Фильм-эртак.
11.25 Мусий дастур.
11.50 «Тунигиз осуда бўлиси!» Мелодрама.
13.15 «Шахарча». Хажний курашув.
13.40 Хиди киноси. «Меня купити».
15.30 Мусий серпантини.
15.55 «Салом, мен колангизман!» Комедия.
18.00 «Бриллиант қиз». Комедия.
19.30 «Ю. Антонис сани таклид атади!» Мусий дастур.
20.20 «Staf Belgia»
20.45 «Клел-сова» Телеабри.
21.05 «Хайрли тун, кинонойлар!»
